ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САИТОВА САЙЁРА СОБИРЖОНОВНА

КИЛЛИНГ ВЕКТОР МАЙДОНЛАРИ ГЕОМЕТРИЯСИ

01.01.04 - Геометрия ва топология

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

УДК: 514.76

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам
Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences

Саитова Сайёра Собиржоновна
Киллинг вектор майдонлар геометрияси …… 3

Саитова Сайёра Собиржоновна
Геометрия векторных полей Киллинга ……... 17

Saitova Sayyora
Geometry of Killing vector fields ……... 31

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……... 35

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САИТОВА САЙЁРА СОБИРЖОНОВНА

КИЛЛИНГ ВЕКТОР МАЙДОНЛАРИ ГЕОМЕТРИЯСИ

01.01.04 - Геометрия ва топология

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2018

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/FM91 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-fizmat.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Нарманов Абдигаппар Якубович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Рахимов Абдуғофур Абдумажидович**
физика-математика фанлари доктори

Каипназарова Гулжахон Хожаназаровна
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент архитектура қурилиш институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. Садуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор, академик

Ғ.И. Ботиров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

Р.Б. Бешимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) дисертацияси аннотацияси)

Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда Киллинг вектор майдонлари назарияси билан боғлиқ масалаларга келтирилади. Киллинг вектор майдонлари геометрияси хусусиятларини аниқлаш геометрия, топология, динамик тизимлар каби соҳалардаги тадқиқотларнинг объектидир. Силлиқ вектор майдонлар ёрдамида берилган субмерсияларни қуриш ва уларнинг хоссаларини аниқлаш Киллинг вектор майдонлари орбиталари ҳосил қилган фактор-фазода силлиқ структура киритиш ва секцион эгрилигини ҳисоблашда асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун Киллинг вектор майдонлар геометриясини тадқиқ қилиш фаннинг Риман геометрияси, қатламалар назарияси, дифференциал топология ва бошқарув назарияси каби йўналишлари ҳамда риман қатламалар назариясининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда Риман геометрияси, қатламалар назарияси ва вектор майдонлар назарияси масалаларини ечиш замонавий геометриянинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Вектор майдонлар оиласи ҳосил қилган минимал алгебранинг ўлчами ва базиси, орбиталарнинг эришувчанлик тўплами хоссаларини аниқлаш, кўпхилликларнинг секцион эгрилигини О’Нейл формулалари ёрдамида ҳисоблаш каби вектор майдонлар оиласи орбиталарининг геометрик характеристикаларини тадқиқ қилиш муҳим ахамият касб этмоқда. Бу борада: Киллинг вектор майдонларининг ўрин алмашиши шартларини топиш ва орбиталарни таснифлаш, вектор майдонлар орбиталари эришувчанлик тўпламларида силлиқ структура киритиш, Евклид фазоларида Киллинг вектор майдонлари орбиталари ҳосил қилган қатламаларнинг Риман қатламалари бўлиш шартларини топишнинг мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиғига эга бўлган геометрия ва топологиянинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, Киллинг вектор майдонлари орбиталарининг геометрик ва топологик хоссаларини интенсив ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Вақт-фазо метрикасини сақлайдиган акслантиришлар, яъни Киллинг вектор майдони оқимини ўрганиш математик физикада муҳим рол ўйнайди. Вектор майдонлар орбиталари ҳосил қилган қатламалар геометрияси соҳасига оид салмоқли натижаларга эришилди. “Динамик тизимлар назарияси, геометрия ва топология” фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда Киллинг вектор майдонлари назариясини ривожлантириш муҳим ахамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. “Математика, механика ва информатика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Вектор майдонлар орбиталари геометриясида фундаментал натижа Суссманн теоремаси ҳисобланади, унинг ишларида барча объектлар C^{∞} синфга тегишли бўлса, П.Стефан Суссманн теоремасини $C^{r}, r \geq 1$ силлиқ объектлар учун кенгайтирди. Вектор майдонлар назарияси кўплаб олимларнинг, жумладан, В.Н. Берестовский, T. Adachi, Ю.Г. Никоноров, М. О. Катанаев, C. Beetle, M. Gürses, S. Maeda, S. Z. Németh, K. Nomizu, T. Oprea, K.Yano, S. Kobayashi ишларида ёритилган.

S. Kobayashi ўз ишларида Киллинг вектор майдонларининг қўзғалмас нуқталари тўплами жуфт ко-ўлчамли геодезик қисм кўпхиллик бўлишини исботлаган. Kentaro Yano ва Katsumi Nomizu ишларида локал ва глобал маънода берилган риман кўпхиллигида Киллинг вектор майдонларини мавжуд бўлиш шартлари ўрганилган. В.Н.Берестовский ва Ю.Г.Никифоровлар риман кўпхилликларида ўзгармас узунликка эга Киллинг вектор майдонларини ўрганишган, бунда ўзгармас узунликка эга Киллинг вектор майдонлари траекториялари геодезик чизиқлар бўладиган кўпхилликлар тузилишига қўйиладиган шартлар аниқланган. М.О.Катанаев томонидан икки ўлчовли фазо-вақтда буралган интегралланувчи гравитацион моделида битта Киллинг вектор майдонини берувчи ихтиёрий икки ўлчовли метрикалар учун глобал ечимларни қуришнинг конформ блоклар методи ёрдамида аниқланади.

А.Я.Нарманов, Ж.О.Аслонов, Г.Кайпназаровалар вектор майдонлар орбиталари ҳосил қилган қатламалар геометрияси тадқиқ қилишган. Ж.О.Аслонов уч ўлчовли евклид фазосида Киллинг вектор майдонлари орбиталарининг батафсил геометрик классификациясини берган. Г.Кайпназарова кўпхилликларда берилган метрик қатламалар хоссаларини вектор майдонлар ва Риман субмерсиялари ёрдамида тадқиқ қилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁФ-4-6 “Киллинг вектор майдонлари геометрияси” (2016-2017) мавзуидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Киллинг вектор майдонларининг ўрин алмашиш шартлари, евклид фазоларида Киллинг вектор майдонлари оилалари орбиталарини геометрияси ва топологияси ҳамда вектор майдонлар эришувчанлик тўпламларининг структурасини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

евклид фазоларида Киллинг вектор майдонларини ўрин алмашишининг зарурий ва етарли шартларини топиш;

евклид фазоларида Киллинг вектор майдонлари оиласи орбиталарини таснифлаш;

Киллинг вектор майдонлари орбиталари эришувчанлик тўпламининг геометрик хоссаларини аниқлаш;

Киллинг вектор майдонлари оиласи ҳосил қилган тақсимотларни интеграллаш шартларини топиш;

ўзгармас номанфий эгриликка эга силлиқ компакт кўпхилликда ёпиқ 1-форма билан берилган риман қатламаларининг тўла геодезик қатлама ҳосил қилиш шартларини топиш.

Тадқиқотнинг объекти Киллинг вектор майдонлари оиласи орбиталари геометрия ва топологияси, вектор майдонлар орбиталарининг эришувчанлик тўпламлари, риман қатламалари геометриясидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети Киллинг вектор майдонлари орбиталари ҳосил қилган фактор-фазода силлиқ структура киритиш ва секцион эгрилигини ҳисоблаш, Киллинг вектор майдонлари оиласи орбитасининг геометрик таснифини аниқлаш, ёпиқ 1-форма билан берилган қатлама геометрияси, вектор майдонлар орбиталарининг эришувчанлик тўпламини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида дифференциал геометрия, дифференциал топология, риман геометрияси ва қатламалар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот илмий янгилиги қуйидагилардан иборат**:**

евклид фазоларида Киллинг вектор майдонларини ўрин алмашишининг зарурий ва етарли шартларини топилган;

евклид фазоларида Киллинг вектор майдонлари оиласи орбитасини таснифланган;

Киллинг вектор майдонлари оиласи ҳосил қилган тақсимотларнинг интеграланувчилик шартлари топилган;

Киллинг вектор майдонлари оиласи эришувчанлик тўплами геометрик хоссаларини аниқланган;

ўзгармас номанфий эгриликка эга силлиқ компакт кўпхилликда ёпиқ 1-форма билан берилган риман қатламаларининг тўла геодезик қатлама хосил қилиши учун етарли шартлар топилган.

Тадқиқот амалий натижалари Киллинг вектор майдонлари оиласи орбиталарининг хоссалари қатламалар назариясида риман қатламаларини Киллинг вектор майдонлари ёрдамида қуриш масалаларида ҳамда динамик тизимлар назариясида траекторияларни тадқиқ қилиш ва бошқарув тўпламларининг структурасини аниқлаш масалаларини ечишда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дифференциал геометрия, дифференциал топология, риман геометрияси ва қатламалар назариясининг фундаментал усуллари: Фробениус, Херманн, Суссманн, локал турғунлик теоремаларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти динамик тизимлар ва қатламалар назариясининг турли масалалари учун эришувчанлик тўпламларида силлиқ структура мавжудлигини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Киллинг вектор майдонлар орбиталарининг геометрик таснифини динамик тизимларнинг бошқарувчанлик тўпламлари моделларига тадбиқ этиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Киллинг вектор майдонлар геометриясига оид олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

вектор майдонлар оиласининг эришувчанлик тўпламининг геометрияси “Динамик системаларни бошқариш назариясининг дифференциал ва топологик жиҳатлари” лойиҳасида динамик системалар траекторияларини ҳисоблашда қўлланилган (Удмуртия университетининг (Россия) 2018 йил 14 мартдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши бошқариш системалари етишувчанлиги тўпламининг геометрияси ва топологиясини аниқлаш имконини берган.

Евклид фазоларида Киллинг вектор майдонлари оиласи орбиталари етишувчанлик тўпламининг бошқарувчанлик хоссаси, эгрилиги номанфий ўзгармас боғланишли компакт риман силлиқ кўпхиллиги учун ёпиқ 1-форма ёрдамида берилган риман қатламаларини қатламалари ўзаро изометрик бўлган тўла геодезик қатлама сифатида берилганлиги Ф-4-29 “Ноидеал ва шартли боғланишли бошқарилувчи механик системалар динамикаси” грант тадқиқотларида спирал бўйича ҳаракатни биринчи яқинлашишга кўра асимптотик устуворликкача стабиллаш масаласида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2018 йил 9 апрелдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши дастурий бошқарув сифатида реактив куч ва реактив тезланишнинг йўналитирувчи косинусларини олиш, барча ўзгарувчиларни бевосита ўлчаш имкони бўлмаганда гирогоризонткомпас ўқини горизонтал ҳолатга келтириш ва оғдирилган ҳаракатни чизиқли регулятор ёрдамида стабиллаш имкониятларини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан тўртта халқаро ва еттита республика, илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда

олтита мақола, жумладан икктаси хорижий ва тўрттаси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кўпҳилликларда вектор майдонлар”** деб номланган биринчи бобида диссертациянинг натижаларини баён қилишда фойдаланиладиган риман геометриясининг зарурий тушунчалари ҳамда ёрдамчи фактлари келтирилган. Ушбу бобнинг биринчи параграфида дифференциалланувчи кўпҳилликлар назариянинг асосий тушунчалари ва теоремалари келтирилган. Иккинчи параграф кўпҳилликларда аниқланган вектор майдонлар ҳамда уларнинг орбиталарининг асосий хоссаларига бағишланган:

Изоҳ 1. Диссертацияда кўрилаётган барча объектлар C^{∞} – силлиқлик синфига тегишли деб қаралади.

Таъриф 1. M – ўлчами n бўлган силлиқ кўпхиллик, TM – уринма қатлама, $\pi : TM \to M$ эса проекция акслантириши бўлсин. M даги вектор майдон деб, $\pi X(x) = x$ шартни қаноатлантрувчи $X : M \to TM$ акслантиришга айтилади.

Берилган $x \in M$ нуқта учун $X^t(x)$ деб, X вектор майдоннинг $t = 0$ да x нуқтадан ўтувчи интеграл чизиғини белгилаймиз.

Таъриф 2. Агар X вектор майдон M да ҳосил қилган бир параметрли локал алмаштиришлари

$$x \to X^t(x),$$

(инфинитезимал алмаштиришлари) группаси ҳаракатлардан иборат бўлса, X Киллинг вектор майдони дейилади.

Таъриф 3. D – вектор майдонлар оиласи берилан бўлса, шу оиланинг x нуқтадан ўтувчи орбитаси $L(x)$ деб, M даги қуйидагича аниқланган y нуқталар тўпламига айтилади:

$$y = X_{i_k}^{t_k}\left(X_{i_{k-1}}^{t_{k-1}}\left(\ldots\left(X_{i_1}^{t_1}(x)\right)\ldots\right)\right).$$

бу ерда $X_{i_1}, X_{i_2}, ..., X_{i_k}$ – D оилага тегишли вектор майдонлар, $t_1, t_2, ..., t_k$ – ҳақиқий сонлар, k эса ихтиёрий натурал сон.

Жорий бобнинг учинчи параграфида кўпхилликнинг секцион эгрилиги тушунчаси киритилган. Ушбу тушунча дифференциалланувчи кўпхилликларнинг асосий геометрик хоссаларидан бўлганлиги сабабли ўтказилган тадқиқотларда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, бу параграфда икки ўлчамли сиртларнинг секцион эгрилиги гаусс эгрилиги билан устма-уст тушуши кўрсатилган.

Тўртинчи параграфда қатламалар назарияси ва тақсимотлар (текисликлар майдонлари) назариларига доир асосий тушунчалар келтирилган. Вектор майдонлари оилалари, шу жумладан, Киллинг вектор майдонлари оилаласи ҳам тақсимотлар ҳосил қилганлиги сабабли, бунда тақсимотлар қайси ҳолларда қатлама ҳосил қилиши, яъни интегралланувчи эканлиги аниқлаш мақсадида бир қатор тадқиқотлар ўтказилган.

$D \subset V(M)$ – M кўпхилликда берилган силлиқ вектор майдонлар оиласи бўлсин. M кўпхилликда C^∞ синфга тегишли барча вектор майдонлар тўплами $V(M)$ Ли коммутаторига нисбатан Ли алгебрасини ҳосил қилади. $A(D)$ орқали D оилани ўз ичига олувчи $V(M)$ алгебранинг минимал Ли қисм алгебрасини белгилаб оламиз. $P_D : x \to A_x(D)$ каби аниқланган тақсимотни олайлик. Бу ерда, $A_x(D) = \{X(x) : X \in A(D), x \in M\}$. Ушбу тақсимот инволютив, шу сабабдан, агарда $\dim A_x(D)$ ўлчамлар x нуқтага боғлиқ бўлмаса, Фробениус теоремасига асосан $P_D : x \to A_x$ тақсимот тўла интегралланувчидир. Бу ҳолда, ҳар бир x нуқта учун $L(x)$ тўплам P_D нинг интеграл қисм кўпхиллиги бўлади. Аксинча, $\dim A_x(D)$ ўлчамлар x нуқтага боғлиқ бўлса, $P_D : x \to A_x(D)$ тақсимот тўла интегралланувчи бўлиши шарт эмас. Япон математиги Нагано натижаларига кўра, M кўпхиллик ва D га тегишли вектор майдонлар аналитик бўлса, $P_D : x \to A_x(D)$ тақсимот тўла интегралланувчи бўлиб, ҳар бир орбита шу тақсимот учун интеграл қисм кўпхиллик бўлади. Бу ҳолда, орбитанинг ўлчами ҳар бир $x \in M$ учун $\dim A_x(D)$ га тенгдир. Умумий ҳолда, ҳар бир $x \in M$ учун $\dim A_x(D) \le \dim L(x)$ муносабат ўринли.

Энди, $D \subset K(M)$, яъни берилган оила Киллинг вектор майдонларидан ташкил топган деб фараз қилайлик. $K(M)$ алгебра чекли ўлчамли бўлганлиги сабабли, $A(D)$ минимал алгебра таркибида шундай $X_1, X_2, ..., X_m$ силлиқ вектор майдонлар мавжудки, $X_1(p), X_2(p), ..., X_m(p)$ векторлар ҳар бир $p \in M$ нуқта учун $A_p(D)$ қисм фазонинг базисини ташкил этади. Бу ҳолда, қуйидаги теорема исботланган:

Теорема 2. $D \subset K(M)$ оиланинг ҳар бир орбитаси тўла интегралланувчи $P_D : x \to A_x(D)$ тақсимотнинг интеграл қисм кўпхиллигидир.

Мазкур диссертациянинг “**Киллинг вектор майдонлари геометрияси**” деб номланган иккинчи бобида Киллинг вектор майдонлари орбиталари геометрияси ўрганилади. Бу бобда Киллинг вектор майдонларида ўрин алмашишининг зарурий ва етарлилик шартлари келтирилган, евклид фазоларида Киллинг вектор майдонлари орбиталарининг классификацияси келтирилган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида евклид фазоларида Киллинг вектор майдонларида ўрин алмашишининг зарурий ва етарлилик шартлари ва турли хоссалари ўрганилган. Қуйидаги теоремалар исботланган

Теорема 3. Бири “буриш”, иккинчиси “кўчиш” ни ҳосил қиладиган иккита X,Y Киллинг вектор майдонлари берилган бўлсин, улар ўрин алмашиши учун Y майдоннинг “кўчиш” йўналиши X майдоннинг қўзғалмас нуқталари N қисм фазосига параллел бўлиши зарур ва етарли.

Теорема 4. “Буриш”ларни ҳосил қилувчи X,Y – Киллинг вектор майдонлари ва N_1, N_2 мос равишда X,Y нинг қўзғалмас (махсус) нуқталари тўпламлари бўлсин. У ҳолда X,Y вектор майдонлар ўрин алмашиши учун $\dim N_1 = \dim N_2 = 0$ ва $N_1 = N_2$, ёки $R^n = N_1 \oplus N_2$ бўлиши зарур ва етарли.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида Киллинг вектор майдонлари орбиталарининг топологик ва геометрик хоссалари ўрганилган.

$K(M)$ орқали M кўпхилликда Киллинг вектор майдонлари алгебрасини белгилаймиз. $D \subset K(M)$, яъни D тўплам(оила) Киллинг вектор майдонларидан ташкил топган бўлсин. $K(M)$ алгебра чекли ўлчамли бўлганлиги сабабли $A(D)$ дан олинган шундай $X_1, X_2, ..., X_m$ вектор майдонлар мавжудки, $X_1(p), X_2(p), ..., X_m(p)$ векторлар ҳар бир $p \in M$ учун $A_p(D)$ қисм фазонинг базисини ташкил этади.

$K(M)$ алгебра чекли ўлчамли эканлигидан фойдаланиб, биз вектор майдонлар $L(x)$ орбиталари геометрияси ва топологиясини қуйидаги акслантириш ёрдамида ўрганишимиз мумкин бўлади:

$$(t_1, t_2, ..., t_m) \to X_m^{t_m}\left(X_{m-1}^{t_{m-1}}\left(...\left(X_1^{t_1}(x_0)...\right)\right)\right),$$

бу ерда $(t_1, t_2, ..., t_m) \in U \subset R^m$ ва U - R^m даги координата бошининг атрофи.

Қуйидаги теорема $L(x_0)$ орбитанинг ҳар бир нуқтасига x_0 нуқтадан чекли сондаги ва $X_1, X_2, ..., X_m$ вектор майдонлар маълум тартибда қўлланилаган “ўтишлар” орқали етиб олиш мумкинлигини кўрсатади.

Теорема 5. Ушбу

$$y = X_m^{t_m}\left(X_{m-1}^{t_{m-1}}\left(...\left(X_1^{t_1}(x_0)...\right)\right)\right)$$

кўринишдаги нуқталар тўплами $L(x_0)$ орбита билан устма-уст тушади, бу ерда $(t_1, t_2, ..., t_m) \subset U$.

Иккинчи параграфнинг асосий натижаси евклид фазоларида Киллинг вектор майдонлари оиласи орбитасининг геометрик тузилиши ҳақидаги теорема ҳисобланади.

Теорема 6. $M = R^n$, D оила Киллинг вектор майдонларидан иборат бўлсин. У ҳолда D оиланинг ҳар бир орбитаси ёпиқ қисм тўпламдир.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида келтирилмайдиган Киллинг вектор майдонлари оиласи орбиталарининг классификацияси ҳақидаги масала ўрганилган.

Таъриф 4. “Буриш” типидаги Киллинг вектор майдонининг қўзғалмас нуқталари тўплами евклид фазосида берилган координаталар системасига нисбатан $n-2$ ўлчамли координата текислигидан иборат бўлса, бундай вектор майдон келтирилмайдиган дейилади. “Кўчириш” типидаги Киллинг вектор майдонининг параллел кўчириш йўналиши координата ўқларининг бирортасига параллел бўлса, бундай вектор майдон келтирилмайдиган дейилади.

Қуйида $B(D)$ базис оила келтирилмайдиган буришлар ва кўчиришлардан ташкил топган деган фаразда евклид фазосида Киллинг вектор майдонлари орбиталарининг геометрияси ҳақидаги теоремани келтирамиз.

Теорема 7. R^n да Киллинг вектор майдонлари D оиласи берилган, базис оила эса m та келтирилмайдиган вектор майдонлардан иборат бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $p \in R^n$ нуқтанинг L_p орбитаси евклид фазосининг қуйида келтирилган қисм кўпхилликларидан бири бўлади:

1. k - ўлчамли текислик, бу ерда $0 \le k \le \min(m,n)$;

2. k - ўлчамли тор $T^k = S^1 \times S^1 \times ... \times S^1$ бу ерда $1 \le k \le \min\left(m, \left[\frac{n}{2}\right]\right)$;

3. k - ўлчамли сфера S^k, бу ерда $0 \le k \le \min(m, n-1)$;

4. k - ўлчамли торсимон цилиндр $T^{k_1} \times R^{k_2}$, бу ерда $k = k_1 + k_2$ ва $k \le \min\left(m, \left[\frac{n}{2}\right]\right)$;

5. k - ўлчамли сферик цилиндр $S^{k_1} \times R^{k_2}$, бу ерда $k = k_1 + k_2$ ва $k \le \min(m, n-1)$.

“**Вектор майдонлар эришувчанлик тўпламининг геометрияси**” деб номланган учинчи бобда вектор майдонлар эришувчанлик тўпламининг тузилиши, орбиталар тўпламининг геометрияси ва дифференциалланувчи ёпиқ 1-форма ҳосил қилган қатламалар геометрияси ўрганилади.

Суссманнинг ишларида Суссманн топологиясига эга вектор майдонлар ($C^r; r \ge 1$ синф) оиласининг ҳар бир орбитаси дифференциалланувчи кўпхиллик тузилишга эга эканлиги исботланган. Агар $i: N \to M$ каноник инъекция максимал рангга эга дифференциалланувчи акслантириш бўлса, N қисм кўпхиллик M га ботирилган кўпхиллик дейилади.

$L(x)$ орбитанинг топологияси (Суссманн топологияси) қуйидаги кўринишдаги барча акслантиришлар узлуксиз бўладиган энг кучли топология сифатида киритилади:

$$(t_1, t_2, ..., t_k) \to y = X_k^{t_k}\left(X_{k-1}^{t_{k-1}}\left(...\left(X_1^{t_1}(x)\right)...\right)\right),$$

бу ерда $t_1, t_2, ..., t_k$ – ҳақиқий сонлар, $X_1, X_2, ..., X_k$ – D оиладан олинган вектор майдонлар. Ботирилган кўпхиллик сифатидаги орбита топологияси M дан индуцирланган топологияга қараганда кучлироқ ҳисобланади. Масалан, торнинг иррационал ўрами учун барча траекториялар учун бу топологиялар турлича.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида вектор майдонлар эришувчанлик тўпламининг геометрик хоссалари ўрганилган. Вектор майдонларнинг T-эришувчанлик тўплами тушунчаси киритилган.

Таъриф 5. Агар берилган

$$y = X_k^{t_k}\left(X_{k-1}^{t_{k-1}}\left(...\left(X_1^{t_1}(x)\right)...\right)\right) \in L(x)$$

учун $\sum_i t_i = T$ бўлса, ушбу нуқта $x \in M$ нуқтадан T- эришувчан дейилади.

$A_x(T)$ орқали $x \in M$ нуқтадан T- эришувчан бўлган барча нуқталар тўпламини белгилаймиз.

Суссманннинг орбита силлиқ кўпхиллик бўлиши ҳақидаги теоремада келтирилган ғоядан фойдаланиб, биз қуйидаги теоремани исботладик

Теорема 8. $A_x(T)$ тўплам ҳар бир $x \in M$ ва ихтиёрий T да коўлчами бир ёки нол бўлган $L(x)$ орбитанинг ботирилган қисм кўпхиллиги бўлади.

Эришувчанлик тўплами геометриясини ўрганишда Г.Суссманннинг қўшган яна бир ҳиссаси қуйидаги теорема ҳисобланади, бу теорема N.Levitt билан биргаликда исботланган (*SIAM J. Control 13*, no. **6(**1975), pp. 1271-1281):

Теорема 9 (Sussmann, Levitt). M – силлиқ, боғланишли, n ўлчовли кўпхиллик бўлсин. У ҳолда, ҳар бир $x \in M$ нуқта учун $L^+(x) = M$ муносабат ўринли бўладиган иккита вектор майдонидан иборат бўлган D система мавжуд.

Бу теоремадан фойдаланиб, биз қуйидаги теоремани исботладик

Теорема 10. M – ўлчови $n \geq 2$ бўлган силлиқ, боғланишли кўпхиллик бўлсин. Ҳар бир $x \in M$ нуқта учун $A_x(0) = M$ тенглик ўринли бўладиган учта вектор майдонидан иборат бўлган D система мавжуд.

Теорема 11. M – Эйлер характеристикаси нолдан фарқли, ўлчови $n \geq 2$ бўлган силлиқ, компакт, боғланишли кўпхиллик бўлсин. У ҳолда, ҳар бир

$x \in M$ нуқта учун $A_x(0) = M$ муносабат ўринли бўладиган иккита вектор майдонидан иборат бўлган D система мавжуд.

Вектор майдонларнинг симметрик системалари учун қуйидаги натижа олинган. Агар $X \in D$ дан $-X \in D$ келиб чиқса, у ҳолда вектор майдонларнинг D система(оила)си симметрик дейилишини эслатиб ўтамиз.

Теорема 12. D система симметрик бўлиб, тўла вектор майдонга эга бўлсин. У ҳолда ҳар бир $T \in R$ ва ҳар бир $x \in M$ нуқта учун $A_x(T) = L(x)$ тенглик ўринли бўлади.

Биринчи бобда келтирилган голономия группасининг таърифи ва хоссаларидан фойдаланиб евклид фазосида Киллинг вектор майдонлари орбиталари (қатламлари) тўплами геометриясини тадқиқ қиламиз.

Фактор-топология киритилган $B = R^n / D$ – R^n евклид фазосидаги Киллинг вектор майдлонлари D оиласининг орбиталари тўпламини кўриб чиқамиз. Унда $\pi : M \to F$ фактор-акслантириш учун $\pi(x) = L(x)$ ўринли бўлади, бу ерда $L(x)$ – x ни ўз ичига олган орбита. Қуйидаги теоремадан, орбиталар риман субмерсиялари қатламлари бўлиши кўринади.

Теорема 13. Агар барча $x \in M$ лар учун $\dim A_x(D) = k$, $0 < k < n$ бўлса, у ҳолда фактор топологияга эга $B = R^n / D$ орбиталар тўплами $(n-k)$- ўлчамли силлиқ кўпхиллик дифференциал структурасига эга бўлиб, бунда $\pi : M \to B$ акслантириш силлиқ Риман субмерсияси бўлади.

Натижа 1. B кўпхиллик номанфий эгриликка эга кўпхилликдир.

О'Нейл формуласи қуйидаги тасдиқни исботлаш имконини беради.

Теорема 14. 13-теореманинг шартлари сақланган ҳолда, D оиланинг орбиталари параллел текисликлардан иборат бўлиши учун $B = R^n / D$ кўпхилликнинг секцион эгрилиги нолга тенг бўлиши зарур ва етарли.

Учинчи параграф ёпиқ дифференциал 1-форма ҳосил қилган қатламалар геометриясига бағишланган. Номанфий ўзгармас эгриликка эга (M, g) силлиқ боғланишли компакт кўпхилликда ёпиқ 1-форма билан аниқланган F қатлама изометрик қатламларга эга тўла геодезик қатлама бўлишини кўрсатувчи теорема келтирилган.

Барча $x \in M$ нуқталарда $V_x M$ фазога уринма бўладиган $V_x = \{X \in T_x M : \omega_x(X) = 0\}$ қисм фазони кўриб чиқамиз. У ҳолда $n-1$ ўлчамли $V : x \to V_x$ қатламага эга бўламиз. Фробениус теоремасига кўра мазкур тақсимот тўла интегралланувчи бўлади, агар $\omega \wedge d\omega = 0$ бўлса, бу ерда $d\omega$ – 1-форманинг дифференциали. Ёпиқ формалар ҳар доим тўла интегралланувчи тақсимотларни ҳосил қилади, чунки, $d\omega = 0$. Хусусан, аниқ 1-форма ҳар доим бирор силлиқ функциянинг дифференциал бўлганлиги сабабли, тўла интегралланувчидир: $\omega = df$.

Қуйидаги теорема номанфий ўзгармас эгриликка эга (M, g) силлиқ боғланишли компакт кўпхилликда ёпиқ 1-форма билан аниқлнган F қатлама изометрик қатламларга эга геодезик қатлама бўлишини кўрсатади.

Теорема 15. (M,g) – номанфий ўзгармас эгриликка эга силлиқ боғламли компакт кўпхиллик бўлсин. Агар (M,g) да ёпиқ 1-форма билан аниқланган F риман қатламаси берилган бўлса, у ҳолда F изометрик қатламларга эга тўла геодезик қатлама бўлади.

Бу теорема асосида қуйидаги натижалар олинган:

Натижа 2. Теорема 15 шартларига кўра M ўзгармас нол эгриликка эга кўпхиллик бўлади.

Натижа 3. Теорема 15 шартларига кўра ҳар бир F қатлама қатламларининг фундаментал группаси $\pi_1(M)$ группанинг $A=\{[\gamma]:\int_\gamma \omega=0\}$ қисм группасига изоморфдир.

ХУЛОСА

Диссертация Киллинг вектор майдонлари орбиталарининг геометрик ва топологик хоссаларини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда қуйидаги натижалар олинган:

Киллинг вектор майдонларини ўз ичига олган Киллинг вектор майдонларининг минимал қисм алгебраси тўла интегралланувчи тақсимотни ҳосил қилади ҳамда унинг интеграл қисм кўпхилликлари вектор майдонлар оиласи орбиталаридан иборатдир;

евклид фазоларида Киллинг вектор майдонлари ўрин алмашишининг зарурийлик ва етарлилик шартлари келтирилган ва исботланган.;

Киллинг вектор майдонлари орбитаси, шу оилани ўз ичига олган Ли минимал алгебрасининг базис майдонлари орбитаси билан мос тушади ва евклид фазосида ёпиқ қисм тўплам бўлади;

евклид фазосида келтирилмайдиган Киллинг вектор майдонлари орбиталари тўлиқ классификацияланган;

кўпхилликнинг ҳар бир нуқтасида ва ихтиёрий T да T-эришувчанлик тўплами коўлчами бир ёки нол бўлган орбитанинг ботирилган қисм кўпхиллиги бўлади;

$n\geq 2$ ўлчамли силлиқ боғламли кўпхилликда учта вектор майдондан ташкил топган шундай система мавжудки, ҳар бир нуқтанинг нол эришувчанлик нуқтаси бутун кўпхиллик билан мос тушади;

агар система симметрик ва тўлиқ вектор майдонни ўз ичига олса, у ҳолда T-эришувчанлик тўплами орбита билан мос тушади;

агар барча орбиталар бир хил ўлчамга эга бўлса, у ҳолда фактор топологияга эга бўлган орбиталар тўплами силлиқ кўпхиллик дифференциал тузилишига эга бўлади, бунда “нуқта-орбита” акслантириши силлиқ риман субмерсияси бўлади;

агар барча орбиталар бир хил ўлчамга эга бўлса, у ҳолда орбиталар тўплами номанфий эгриликка эга кўпхиллик бўлади;

агар барча орбиталар бир хил ўлчамга эга бўлса, у ҳолда орбиталар параллел текисликлардан иборат бўлиши учун орбиталар тўплами нол эгриликка эга бўлиши зарур ва етарли;

номанфий ўзгармас эгриликка эга силлиқ, боғланишли, компакт кўпхилликда ёпиқ 1-форма билан аниқланган риман қатламаси изометрик қатламларга эга тўла геодезик қатлама бўлади;

Диссертация ишидаги барча натижалар янги ҳисобланади ва улардан вектор майдонлар назарияси, сингуляр қатламалар назарияси ва замонавий геометриянинг бошқа бўлимларида олиб бориладиган тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА, ИНСТИТУТЕ МАТЕМАТИКИ

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

САИТОВА САЙЁРА СОБИРЖОНОВНА

ГЕОМЕТРИЯ ВЕКТОРНЫХ ПОЛЕЙ КИЛЛИНГА

01.01.04 - Геометрия и топология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.PhD/FM91.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.ik-fizmat.nuu.uz и информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель: **Нарманов Абдигаппар Якубович**
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Рахимов Абдуғофур Абдумажидович**
доктор физико-математических наук

Каипназарова Гулжахон Хожаназаровна
кандидат физико-математических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский архитектурно-строительный институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана, при Институте Математики (Адрес: 100074, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24. e-mail: nauka@nuu.uz)

С диссертацией можно ознакомится в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №___). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 227-02-24).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(протокола рассылки №_____ от «____» _____ 2018 года).

А. Садуллаев
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор, академик

Г.И. Ботиров
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.ф.-м.н.

Р.Б. Бешимов
Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертационной работы. Большинство проблем, возникающих в результате научно-прикладных исследований в различных областях на мировом уровне, часто сводятся к задачам теории векторных полей Киллинга. Определение свойств геометрии векторных полей Киллинга является объектом исследования в таких сферах, как геометрия, топология, динамические системы. Построение субмерсий посредством гладких векторных полей и анализ их свойств служит основой для введения гладкой структуры и вычисления секционной кривизны фактор-пространства порожденного орбитами векторных полей Киллинга. Поэтому изучение геометрии векторных полей Киллинга является одной из важных задач теории римановых слоений и таких направлений науки, как риманова геометрия, дифференциальная топология и теория управления.

В настоящее время, в мире одной из актуальных проблем современной геометрии является проблема о геометрии орбит семейства векторных полей. Немаловажное значение при этом имеет исследование геометрических характеристик орбит семейства векторных полей таких как размерность и базис минимальной алгебры, порожденный семейством векторных полей, определение свойств множества достижимости векторных полей, вычисление секционной кривизны многообразий посредством формул О'Нейла. В связи с этим нахождение условий коммутирования векторных полей Киллинга и классификация орбит, введение гладкой структуры во множестве достижимости векторных полей являются научными исследованиями, направленными на установление геометрических свойств орбит векторных полей Киллинга в евклидовых пространствах.

В нашей стране уделяется особое внимание актуальным аспектам геометрии и топологии, имеющим научное и практическое применение в фундаментальных науках. В том числе, усилено внимание интенсивному исследованию геометрических и топологических свойств орбит векторных полей Киллинга. Изучение преобразований, которые сохраняют метрику пространства-времени, то есть потока векторных полей Киллинга играет исключительно важную роль в математической физике. Значительные результаты были достигнуты в области геометрии слоений, порожденных орбитами векторных полей Киллинга. Проведение научных исследований на уровне международных стандартов по таким приоритетным направлениям, как теория динамических систем, геометрия и топология определены основными задачами и направлениями исследований в области математических наук[2]. Исследование геометрических характеристик орбит семейства векторных полей Киллинга играет важную роль при исполнении этого постановления.

[2]Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно - исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан»

Исследование проведенное в данной диссертации в определенной степени служит решению задач, указанных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых актах по данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика»

Степень изученности проблемы. Фундаментальным результатом в геометрии орбит векторных полей стала теорема Сусманна, в которой все объекты заданы из класса C^{∞}. Позже П. Стефан расширил теорему Суссманна для объектов с гладкостью класса $C^{r}, r \geq 1$. Теория векторных полей развита во многочисленных работах таких авторов, как, В. Н. Берестовский, T. Adachi, Ю.Г. Никоноров, М. О. Катанаев, C. Beetle, M. Gürses, S. Maeda, S. Z. Németh, K. Nomizu, T. Oprea, K.Yano, S. Kobayashi и другие.

